TURK ELI

International Scientific Journal



Volume 1 | Special Issue Part 1 | 2026

Manas, Kyrgyz Republic

www.turkeli.science

TURK ELI
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL

The journal is officially registered as a mass media outlet by the Justice Department of Manas Region under the Ministry of Justice of the Kyrgyz Republic in accordance with Registration Certificate No. 10339 dated March 11, 2024. The journal is registered under the title “TURK ELI” International Scientific Journal and is authorized for publication in Kyrgyz, Turkish, Uzbek, Kazakh and English languages.

Honorary President
Sarvar Ispahi

Editor-in-Chief
Jenishbek Duysheev

Deputy Editor in-Chief
Rahmonali Hasanov

Editorial Board:

Ablat Khodjaev (Prof. Dr.)
Shakimashrip Ibraev (Prof. Dr.)
Shohistahon Uljaeva (Prof. Dr.)
Kubanychbek Kalchakeev (Prof. Dr.)
Abdimajid Madraimov (Prof. Dr.)
Shukhrat Sattorov (Prof. Dr.)
Ibrahim Kush (Dr.)
Faig Elekberli (Dr.)
Erdenebayar Nasanbat (Dr.)
Gulnara Anarbaeva (Dr.)
Nurgul Aldabek (Dr.)
Nurjamal Myrzabaeva (Dr.)
Takhirjan Kazakov (Dr.)
Elmira Hazratkulova (Dr.)
Azamat Kaliev (Dr.)
Abdulvakhidkhon Nuriddinov (Dr.)

About this Special Issue

This Special Issue presents selected papers from the International Scientific Conference
Ijtimoiy fanlar va jamiyat taraqqiyoti:
barqaror rivojlanishning strategik yo‘nalishlari

Technical Editor
Laziz Baxtiyorov

Publisher: turkeli.science
E-mail: editor@turkeli.science


TOSHKENT IQTISODIYOT VA TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI
TITU
TOSHKENT – 2022
TOSHKENT IQTISODIYOT VA TEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI
IJTIMOIY FANLAR FAKULTETI
IJTIMOIY FANLAR VA JAMIYAT TARAQQIYOTI:
BARQAROR RIVOJLANISHNING
STRATEGIK YO‘NALISHLARI
GLOBAL MIQYOS
STRATEGIYA VA TARAQQIYOT
ILM-FAN VA INNOVATSIYA
JAMIYAT VA INSON KAPITALI
XALQARO ILMIY-AMALIY KONFERENSIYA
ILM-FAN ORQALI BARQAROR KELAJAK SARI
2026-yil 15-may

Contents

A. A. Djumanqulov *A. A. Beknazarov*	Psychological and Methodological Principles of Effective Lesson Time Management by Teachers	6
B. A. Khasanova *R. Abdullaev*	Digital Transformation in Central Asia: An Assessment Based on the Case of the Kyrgyz Republic	8
Yu. Akhmedov	The Strategic Importance of Crisis Communication in Ensuring National Stability in Polyethnic Societies	13
O. F. Egamberdiev	The Role, Determinants, and Effectiveness of Marketing Strategies in the Sustainable Development of the Transport System: Evidence from the Khorezm Region	17
R. Sh. Ibrahimova	Development History of Parasitology in Azerbaijan	20
B. O. Turaev	Ali Qushchi: The Scholar Who Introduced the Achievements of Ulugh Beg's Academy to the World	22
H. Hamidov	The History of Artists during the Reign of Amir Temur and the Timurid Period	26
S. Dj. Saidova	National Costume as a Historical and Spiritual Phenomenon	30
K. M. Yuldoshev	Innovation in Education	33
A. S. Kaliev *N. B. Bazarbaev*	Political Development and the Transformation of Civil Identity in Uzbekistan: The 690th Anniversary of Amir Temur and the Politics of	36
K. M. Yuldoshev *Z. Murodova*	Rabat-i Malik Caravanserai: A Key Waystation on the Great Silk Road	39
D. S. Saparboeva	Features of the Development of Logical Thinking in Primary School Mathematics Lessons	42
Sh. O. Sayfullaeva	Developing Reading Skills through Authentic Texts in Teaching Russian as a Foreign Language	44
N. Kh. Kholyigitova	The Role of Personal Values–Oriented Career Planning in Higher Education for Societal Development	46
M. N. Inatov	The Application of Sociological and Historical Analysis Methods in Letter Analysis	48
M. G. Nazarova	Socio-Psychological and Educational Strategic Directions for Preparing Future Engineers for Professional Activity in the Context of Societal Development	51
I. H. Jabrayilov	Common Turkish History: Research and Teaching Issues	54
O. V. Kon	Preparing the Next Generation of Social Educators in Higher Education: A Competency Model in the Context of Global Societal Challenges	56
D. A. Egamberdieva	The Semantic Characteristics of Nature Symbols in Uzbek and English Fairy Tales	60
Q. H. Inoyatov	The Scientific Legacy of Our Great Ancestors as a Source of Education and Moral Values	64
A. J. Toshboboev	The Integration of Social Sciences and the Education System for Sustainable Societal Development: An Analysis of Historical and Contemporary Approaches	66
G. B. Ernazarov	The Role of the Service Sector in the National Economy: Significance, Economic Analysis, and Strategies for Improvement	69
Ə. M. Zeynalov	Azerbaijan in French Literature	72
K. M. Gulomova	The Role of Modern Pedagogical Technologies in Enhancing Teachers' Professional Competence	76
S. Ibrohimov	Culture and Historical Heritage as Economic Resources: Innovative Management and Strategies for Sustainable Growth	79
J. O. Kucharov	Enhancing Workforce Potential in Small Business Enterprises in Uzbekistan	82

The History of Artists during the Reign of Amir Temur and the Timurid Period

Hojiakbar Hamidov (Doctor of Sciences in History, Professor)[1]

[1.] Oriental University
Tashkent, Uzbekistan

Abstract.
This article examines the history and contribution of prominent representatives of art during the era of Amir Timur and the Timurids. It highlights the remarkable development of music, dance, performance arts, and artistic creativity in major cultural centers such as Samarkand and Herat. The study emphasizes the activities of distinguished musicians, composers, performers, and scholars who played a significant role in enriching the cultural and intellectual life of the period. It also analyzes the patronage provided by rulers such as Amir Timur, Ulugh Beg, Husayn Bayqara, and Alisher Navoi, whose support fostered the growth of artistic traditions that influenced later generations across the Turkic and Islamic world. The article concludes that the artistic heritage of the Timurid era remains an invaluable source for understanding the historical evolution of Central Asian culture and its contribution to world civilization.
Keywords: Amir Timur, Timurids, art history, music culture, performing arts, Samarkand, Herat, Alisher Navoi, Ulugh Beg, cultural heritage, composers, musicians.

Амир Темур ва Темурийлар даври санъати намояндалари тарихидан

Ҳожиакбар Ҳамидов (тарих фанлари доктори (DSc), профессор)[1]

[1.] Ориентал университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация.
Ушбу мақолада Амир Темур ва Темурийлар даврида яшаб ижод қилган санъат намояндаларининг тарихи ҳамда уларнинг маданий тараққиётга қўшган ҳиссаси таҳлил қилинади. Тадқиқотда Самарқанд ва Ҳирот каби йирик маданий марказларда мусиқа, рақс, томоша санъати ва бадиий ижоднинг юксалиши ёритилган. Шунингдек, машҳур бастакорлар, созандалар, ҳофизлар ва санъатшуносларнинг фаолияти ҳамда уларнинг давр маънавий ҳаётидаги ўрни кўрсатиб берилган. Амир Темур, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий каби ҳукмдор ва ҳомийларнинг санъат ривожига кўрсатган эътибори натижасида шаклланган анъаналар кейинги авлодлар ҳамда туркий ва исломий маданият тараққиётига катта таъсир кўрсатгани таъкидланади. Хулоса сифатида Темурийлар даври бадиий мероси Марказий Осиё маданияти ва жаҳон цивилизацияси тарихини ўрганишда бебаҳо манба эканлиги қайд этилади.
Калит сўзлар: Амир Темур, Темурийлар, санъат тарихи, мусиқа маданияти, ижрочилик санъати, Самарқанд, Ҳирот, Алишер Навоий, Улуғбек, маданий мерос, бастакорлар, созандалар

Темурийлар даврида Ўрта Осиёда майдонга келган буюк цивилизация буюк тарихий шахсларни - файласуф ва донишмандларни, шоир ва санъаткорларни, меъмор ва турли соҳиби ҳунарларни етиштирдиларким, улар ўз навбатида жаҳон маданий тараққиётини бойитишга ҳисса қўшганлар.

Шунинг учун ҳам Темур шахси, унинг сиёсий, ижтимоий фаолияти, фалсафий қарашлари беш юз йилдан зиёд жаҳон олимларининг диққат марказида бўлиб келган. Ўрта Осиё тарихининг бу ёрқин ва ҳайратомуз саҳифаларини ўрганиш, уни барчанинг маънавий мулкига айлантириш ҳозирги куннинг ҳам муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

Бу давр маданияти, илм-фани, санъати, унинг бадиий-эстетик қадр-қиймати чуқур ва тўла ўрганилган деб айта олмаймиз. Темур ва темурийлар даври маданияти ва санъатига алоқадор манбаларнинг кўпчилиги ўтган асрлар мобайнида ўзаро урушлар, тўполонлар, табиий офатларда йўқолиб, унинг излари кам қолган. Шарқшунослик институтидаги шу даврга алоқадор минглаб қўлёзмалар ҳалигача тўла равишда ўрганилмаган. Дунё музей ва қироатхоналарида сақланаётган манбалар, хужжатларнинг барчаси тўпланиб таржима қилинмаган. Бунга совет давридаги сиёсий ва мафкуравий таъқиблар ҳам катта сабаб бўлди. Минг шукурки, бугунги кунда тарих ғилдираги бизнинг фойдамизга айланмоқда. Бинобарин, Темур ва темурийлар даври санъатини ҳам ўрганиш, ҳозирги замон санъати тараққиётида унинг бой анъаналаридан фойдаланиш йўлларини излаш санъаткорлар ва санъатшунослик фанининг қадрли ва шарафли вазифаларидан бўлиб келмоқда, ҳамда бу шарафли ишларни амалга ошириш жараёнлари кенг қанот ёзмоқда.

XIV асрнинг иккинчи ярмида ва XV аср бошларидаги гавжум ҳаёт Самарқандда мусиқа, рақс ва томоша санъатининг жонланишига олиб келгани турли ёзма манбаларда ва миниатюраларда ўз аксини топган. Клавихо тантаналарни шундай таърифлайди: «Император ўтирган хиёбон ёнида жуда кўп созанда, ҳофизлар ва раққосалар ўтирмоқда. Мусиқа садолари кўкка ёйилмоқда. Шу куни турли томошалар кўрсатилди, ҳар бир санъаткор қизиқ ўйинлар кўрсатиб, халқни хурсанд қилди. Уларнинг ўйини

томошабинлар қийқириқларига сабаб бўлар, ўзининг серзавқлиги билан барча томошабинларни ҳаяжонга солар эдилар». Шунингдек, Клавихонинг ёзишича, Соҳибқирон давлат ишлари ва ҳарбий юришлардан хориган кезларида шоирларнинг шеърларини, шунингдек, созанда ва ҳофизларнинг ҳазин куйларини тинглашни севган. Мовароуннаҳр маданияти, санъати, илм-фани айниқса Улуғбек замонида янада юксак чўққиларга кўтарилган. Унинг даврида илм-фан билан бир қаторда мусиқа ва рақс санъати тараққий топиб, Самарқанд нафис санъат марказига айланди. Улуғбек фақат фан билан машҳур бўлиб қолмай, шеърият ва санъат билан ҳам қизиқар, мушоираларда қатнашар, санъат ва адабиёт тараққиётига ҳамда унинг намоёндаларига кўмаклашар эди.

XX асрнинг буюк олими профессор Абдурауф Фитрат, Улуғбек даврида Самарқандда ижод қилган дарвеш Аҳмадий, Қонуний, Султон Аҳмад Наий, мусиқий рисола ёзган Ҳисорий, Хоразмлик Ҳофиз, Али Вафо, мусиқа илми соҳиби Мавлоно Соҳиб Балхий, Шаҳрисабзлик бастакор Абул Барака, машҳур созанда, Навоийнинг муаллими Хожа Юсуф Бурҳон, Навоийнинг тоғаси Муҳаммад Ғарибийлар каби ўша замоннинг машҳур созанда ва бастакорлари номини эслаб ўтади. Машҳур мусиқа олими Хофиз Дарвеш Али Чангийнинг қаламига мансуб «Туҳфат ус-сурур» асарида айтилишича, Улуғбек Мирзонинг ўзи ҳам мусиқа олимларидан саналган. «Муҳит ат-таворих» тарихий китобида эса Улуғбекнинг ўзи ижод этган «Биллужий», «Шодиёна», «Ахлоқий», «Табризий», «Усули равон», «Усули баҳр» каби мусиқа асарлари хусусида сўз боради. Улуғбек замонида боғи майдонда «Чиҳил устун», «Чиннихона» каби гўзал қасрлар қурилиб, унда илмий мунозаралардан сўнг мушоиралар бўлиб, мамлакатнинг турли томонларидан келган созанда, ҳофизлар ўз санъатларини намойиш қилар эканлар. Тарихий маълумотларга кўра, ўша давр санъаткорлари сафида яллачи аёллар ва раққосалар ҳам кам бўлмаган. Бу маълумотни Улуғбек даврини ўрганган машҳур олим В.В.Бартольд ҳам тасдиқлаган (В.В.Бартольд, «Улуғбек ва унинг даври», 1918 йил). Захириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоийнинг мусиқа олами, ҳатто бастакорликдан ҳам хабари бўлганини ёзиб, унинг бир қатор мусиқалар ижод қилганини, жумладан, пешравлари, нақшлари борлигини ҳикоя қилади. Машҳур адабиётшунос олим Натан Малаев занжирланган шеър сурати шеърладидан бирига асосланиб, унинг куйини Навоий ижодига тегишли эканини таъкидлаб ўтган. «Мажолис ун-нафоис» асарида Навоий мусиқа билан шуғулланган шоирларнинг номларини келтирар экан, хоразмлик олим ва шоир Хўжа Абдулло Вафоий Хоразмий XV асрда мусиқа ҳақида рисола ёзганини таъкидлайди. Булардан ташқари Биноий, Муҳаммад Ғарибий, Мавлоно Шайхий, Паҳлавон Муҳаммад, Хўжа Абдулло каби санъаткорларнинг мусиқий тараққиётга қўшган ҳиссаси таъкидлаб ўтилади. Ушбу асарда Навоий ўз замонасидаги машҳур созанда ва бастакор, ўзининг севимли устози Хожа Юсуф Бурҳон номини ҳам эслаб ўтади. «Маҳбуб ул-қулуб» асарида эса мутриб ва муғаннийларнинг мусиқаларини инсон руҳига кучли таъсири тўғрисида ҳам қимматли фикрлар баён этади.

«Мезон ул-авзон»да Алишер Навоий туюқ, туркий, орзуворий, муҳаббатнома, мустазод каби халқ қўшиқларининг саккиз тури ва уларнинг вазн хусусиятлари ҳақида жуда қизиқарли маълумотлар ёритади. «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» асарида эса Навоий Мавлоно Али Шоҳнинг тенги йўқ созанда, назариётчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади. Ундан ташқари устод Қулмуҳаммад, Хўжа Шаҳобиддин, Абдулла Марвардий, Мавлоно Биноий каби мусиқашуносларнинг мусиқага оид асарлар ёзганини кўрсатиб ўтади. Навоий «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад» асарини ўз даврининг буюк бастакори, 12 мақомнинг такомилланишида катта ҳисса қўшган Паҳлавон Муҳаммаднинг мусиқий ижодига бағишлаб яратган.

Хирот мусиқа маданияти ҳақида Бобур маълумотлари ҳам катта аҳамиятга эга. Унинг ёзишича, донғи чиққан устозлар Қулмуҳаммад Абдулла Марвардий, Ҳусайн Удий, Дарвешбек, Юсуф Уғлоқий (қубус чалувчи), Ғулом Шодий, Шайх Нойи, Шайх Қулий (ғижжак)лар Навоийнинг ҳомийлиги туфайли ўз санъатлари билан шуҳрат қозонганлар. Улар жуда кўп нақш ва пешрав йўналишларини яратганлар. Бобур 1506–1507 йилларда Ҳиротда бўлганида Боғи Сафидда қурилган махсус томошахонада ўтказилган базмда созандалардан Хўжа Ҳофиз, Жалолиддин Маҳмуд Нойи, Шоҳи Бачча, Ҳофиз Миржон Самарқандийлар қатнашганини ёзади.

Профессор Абдурауф Фитрат XIV-XV асрда Мовароуннаҳр ва Ҳиротда ижод қилган машҳур созандалардан Ишрат номли чолғуни чаладиган устод Абдуқосим, Хусайн Байқаронинг мусиқий муаллими, андижонлик Мавлоно Юсуф Бадиий, танбурда бир тор орттирган Маҳмуд Шайбоний, Абдулқодир Марғилоний, Ҳабибулла Чангий, Али Шунқор, Меҳтар Шамсиддин ногорачи, Меҳтар Имом ногорачи, Алижон доира каби ўша замон мусиқа усталарининг номини санаб ўтган. Ушбу даврларда Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ташаббуси билан қаср, сарой ва кўркам боғларда санъаткорлар тўпланиб, ўз ҳунарларини намойиш этиши расм бўлган. Шоир Восифий шундай йиғилишлардан бири ҳақида қуйидагиларни ҳикоя қилади: бу базмаро йиғилиш Дилкушод боғида бўлиб, уларга бадиҳагўй, устозлардан Ҳофиз Басир, Ҳофиз Мир, Ҳофиз Ҳусайн Али, Ҳофиз Султон Маҳмуд, Шоҳ Муҳаммад хонанда, Сиёҳчи хонанда, Ҳофиз Абахий, Ҳофиз Турбатий, созандалардан Ҳасан Нойи, Қулмуҳаммад Удий, Ҳасан Болобоний, Муҳаммадий, Хожи Қахитой Найи, Аҳмад Ғижжакчи, Али Кучак Танбурий каби қатор машҳур санъаткорлар таклиф қилинган. Восифий ўша давр хонанда, созанда ва раққосаларнинг ижрочилик санъати ниҳоят юксак чўққиларга кўтарилганини таъкидлаб, шундай ёзади: Қосим Али Қонуний деган бир созанда бор эдики, у қонун созини бетакрор маҳорат билан чалганда, барча тингловчилар баробар ўринларидан туриб, узоқ олқишлар эдилар.

Восифий яна шундай тасвирлайди: Машҳаддаги шаҳар майдонида бўлган томошада бир аёл ашулачи Абдуллоҳ Марваридий басталаган ва халқ ичида кенг тарқалган “Баёт” қўшиғини шу даражада таъсирли ижро этганки, ижродан сўнг барча йиғилган ёшу-қари, аёлу-эркак унинг санъатини узоқ муддат ўрнидан туриб олқишлаганлигини ёзади. Устоз Ҳасан Удий, созандаларининг нодирларидан бўлиб, унинг олдида бошқалар ўзларини унинг шогирдлари қаторида тутиб, ундан фахрланардилар. Устод Ҳусайн Нойи, камолотга етган машҳур “Ироқи араб” ва “Ироқи ажам” куйларини бетакрор усталик билан ижро этиб, улкан шуҳрат қозонган эди.

Бобур маълумотларига кўра, Хиротнинг машҳур раққосларидан Сайд Бадрнинг ўзи кашф этган Хуротий номли ўйини юқори даражада шуҳрат топтирган. Теҳрон музейида сақланаётган бир миниатюрада Хусайн Бойқаро саройидаги базмлардан бир лавҳа берилган. Унда саройнинг бир залида ўн икки раққоса даврa айланиб, завқ ва жилва билан рақс ижро этмоқдалар, қўллари жуда нозик учмоқда, майда қадам ташлаб, бармоқ учида ўйнамоқдалар. Раққосаларнинг кийимлари махсус тикилган. Бир хилда гўзал саройнинг иккинчи қаватидан жой олган созандалар ўйинга жўр бўлмоқда. Хирот рақс санъатини тасвирловчи бундай миниатюра рақслари жуда мароқли эди.

Умуман, Хирот халқ сайллари турли хилдаги томошалар ҳақида Мирхонднинг “Равзатус-сафо” асарида ҳам жуда қизиқарли маълумотлар келтирилган. Восифийнинг

ёзишича, Хиротнинг Малик дарвозасига яқин жойда, «тарабхона», яъни махсус томоша кўрсатадиган майдон бўлган. Унда созанда, хонанинг ҳофиз, раққос ва сўз усталарининг чиқишлари мунтазам ўтиб турган, масхарабозларнинг қизиқ ўйинлари ҳам ушбу санъат масканида намойиш этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Соҳибқирон Темур фикрига биноан, оддий халқ орасида тарқалган миллий чолғу асбобларимиз қонуний равишда хоким ва лашкарбошиларнинг ижтимоий ва ҳарбий мавқеини белгилаб берувчи тимсолга айланган. Темур ва Темурийлар даврига хос маънавий кўтаринкилик мусиқа санъатини деярли барча жабҳалари учун кенг имконият яратиб берди. Созандалик ва хонандалик, мусиқа таълими, бастакорлик ижоди, мусиқа илми - буларнинг барчаси камол топиб, ривожланди, юксалди.

Асрлар қаърида шаклланган анъанавий устоз-шогирдлик таълим тизими кенг қулоч ёйди. Бу жараёнларда нафақат Темур салтанатининг пойтахти Самарқандда, балки унинг авлодлари – Шохрух, Улугбек, Хусайн Байқаро, Бобур ва бошқалар давридаги Бухоро, Хива, Китоб, Балх, Қобул шаҳарларида ҳам қизғин кечди.

Ўрни келганда ушбу маълумотларни ҳам янада назарда тутишни лозимки, Темурийлар даврининг энг йирик вакилларидан бири бўлмиш Алишер Навоий санъатга алоҳида, ниҳоятда яқин бўлган муносабати хақида ҳам тўхталиб ўтишни жоиз деб хисоблаш мумкин. Мусиқа устозини ҳаммадан устун қўйиб, “Устозлар устози” деб улуғланган Алишер Навоий ўзи ҳам мусиқа илмга эга бўлиб, бу борада муайян асарлар яратгани маълум.

Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятида (1441-1501) мусиқанинг ўзига хос ўрин эгаллаганлиги тасодиф эмас албатта. Қолаверса, Навоий тахаллусининг ўзи ҳам нуфузли мусиқий ажам — “наво” сўзидан ўзак олинган. Аллома мусиқий асосларни болалигидан, алифбе сабоқлари билан ўргана борди. Унинг устози Хожа Юсуф Бурҳон ўз даврининг йирик мусиқашуноси ва бастакори эди. Навоий устозининг шеърларидан намуна келтирар экан, машҳур Исфаҳон куйининг яратилиш тарихига алоҳида тўхталиб ўтади.

Бу маълумотлар Хожа Юсуф Бурҳон ижодининг мақомлар шаклланишига бевосита алоқаси бўлганлигидан далолат беради. Зеро, зикр этилган куй, аниқроғи, мақом (парда тизими) темурийлар давридаги “Дувоздах” (ўн икки мақом) туркуми таркибида ўнинчи эди. Навоий мусиқа маданиятини изчил эътироф этишига унинг Хожа Юсуф Бурҳон қўлида таълим олгани, умри давомида мусиқа санъатининг намоёндалари билан доимий мулоқотда бўлганлиги ижобий таъсир қилган.

Шоирнинг тоғаси Муҳаммад Али Ғарибий шулар жумласидандир. Навоий таъбирида ушбу инсон қатор созларда яхши чалар эди. Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» асарида, бастакорлардан Абдулла Марварид, Ҳофиз Шарбатий, Паҳлавон Муҳаммад; хонандалардан Мавлоно Айни, Ҳофиз Қозоқ; созандалардан Хўжа Камолиддин Удий, Али Кармал, Хўжа Абдуллоҳ Садр; мусиқий рисолалар муаллифлари Жомий, Биноий, Мавлоно Салимий, Мавлоно Риёзийлар Навоийнинг энг яқин дўстлари бўлганлар.

Алишер Навоийнинг қомусий ҳамсасини беш қўшиқ деб айтиш мумкин. Яъни: «Ҳайратул аброр» – фалсафий, ахлоқий мазмунга эга қўшиқ, «Фарҳод ва Ширин» – жасорат ва ватанпарварлик қўшиғи, «Лайли ва Мажнун» – бетакрор севги қўшиғи, «Сабаи сайёр» – вафодорлик қўшиғи, «Садди Искандарий» – ахлоқий қўшиқ деб аталиши мумкин.

Алишер Навоийнинг мусиқий ижодиётига бевосита алоқадорлигини Заҳириддин Бобур ҳам эътироф этган. Алишер Навоий нақшлар (ашула-чолғу асарлари) ҳамда пешравлар (чолғу асарлари) муаллифи бўлганлиги Бобурномада келтирилган. Қолаверса, ярим асрдан кейин, яъни XVI–XVII асрлар бўсағасида яшаб ижод қилган олим Дарвеш Али Чангий шу даврдаги оммабоп 24 усулдан - бир нечтаси Улуғбек, ўн иккитаси Хусайн Байқаро, еттитаси эса Алишер Навоий қаламларига мансуб эканлигига гувоҳлик беради.

Темурийлар даврида яшаб ижод этган яна бир йирик мусиқашунос Абдураҳмон Жомий (1414–1492) бўлган. У Алишер Навоийнинг устози бўлгани билан ҳам машҳур. Маълумки, Жомий мусиқий асарлар ҳамда «Рисолаи мусиқий»нинг муаллифидир. Асарнинг биринчи бўлимида анъанавий равишда мусиқанинг келиб чиқиши, «мусиқа» сўзининг мазмуни, санъатларнинг бурчи каби масалалар ёритилади. Жомийнинг фикрига кўра, мусиқанинг таркибий қисмларини ўрганиш “янада гўзал ва нафис санъат” яратиш учун керакдир. Муаллиф ўз фикрларини ўртага ташлар экан, олдинги даврлар мусиқа илми – (Абу Наср Фаробий) ҳамда ўз замондошлари тажрибасига таянади.

Рисоланинг иккинчи қисмида ўша давр мутахассислари орасида кенг тарқалган усуллар батафсил ёритилган. Рисолада йигирмадан ортиқ усуллар ҳақида маълумотлар бор. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Амир Темурнинг ўзи хис туйғуларга таъсир имкониятларидан боҳабар бўлиб, амалиётда ундан мохирона фойдаланган.

Замондошларнинг кўрсатмаларига биноан Темур саройида ўтказилган тантаналарда доимий равишда мусиқачиларнинг ижросини мароқ билан тинглаб, янги яратилган асарларга баҳо беришни яхши кўрган. Унинг бу фазилатларини меросхорлардан тортиб, саркардарларгача бутун сарой аҳли яхши билган.

Амир Темурнинг мусиқий асбобларга бўлган меҳри унинг ҳарбий юришлари тасвирланган кўпгина миниатюралларда ҳам тасдиқлайди. Темур ва Темурийлар даврида мусиқий ижод ва ижронинг шиддат билан ривожланиши мусиқий рисоланависликка ҳам юқори даражада таъсир қилган. Масалан, Зайнулобиддин Ал-Ҳусайнининг қонуни илми ва амали мусиқий, Нажмиддин Кавкабийнинг “Рисолаи мусиқий”, “Рисолаи дарбаёний дувоздахмақом”, Дарвешали Чангий асари, “Туҳфат ус-сурур” (яъни, яна бир номи «Рисолаи мусиқий») бўлиб, 12-аср воқеалари тасвирланган, унда 350га яқин бастакор, хонанда, созанда ва уларнинг ҳомийлари ҳақида маълумотлар бор.

Темур ва Темурийлар даврининг яна бир энг машҳур санъат билимдонларидан бири Абдулқодир Марағий ҳам умрининг кўп қисмини Темур ва Темурийлар саройида ўтказган ва бастакор сифатида 200дан ортиқ асар яратган. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Темур ва Темурийлар даври санъати намоёндалари тарихи кейинги даврлар туркий халқларининг санъати ривожига улкан пойдевор вазифасини ўтагани билан ниҳоятда бебаҳо ва қадрлидир.

References

1.Али Қушчи. Астрономияга оид рисола (И.М.Мўминов таҳрири остида). Т.: Фан, 1968.

2. Али Қушчи. Астрономияга оид рисола (И.М.Мўминов таҳрири остида). Т.: Фан, 1968. (И.Мўминов ёзган сўзбоши). Б.5.

3. Аҳмедов А. Али Қушчи. https://www.e-tarix.uz/shaxslar/506-cola.html).

4. Баврин И.И., Фрибус Е.А. Старинные задачи: Кн. для учащихся.— М.: Просвещение, 1994.(С.36)— 128 с:

5. Вольтер. Философские повести. М.: Художественная литература, 1978.

6. Гевелий, Я. Атлас звёздного неба = Юлдузлар осмонининг атласи/ Ред. и вступ. ст. акад. АН УзССР В.П.Щеглова; Академия наук Узбекской ССР, Ордена Труд. Красн. Знамени Астроном. ин-т.— 3-е изд., доп.— Ташкент: Фан, 1978.— XLVII+ 66с.

7. Лафасов У. Али Қушчи ва унинг илмий мероси // https://

www.academia.edu/4187917

8. Матвиевская Г. П. Учение о числе на средневековом Ближнем и Среднем Востоке. Ташкент: Фан, 1967.

9. Матвиевская Г. П., Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII—XVII вв.). В 3 т. М.: Наука, 1983.

10. Мўминов И.М. Али Қушчи // Ўзбек Совет энциклопедияси. 1 том. Т., 1971. Б.240.